



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 9 апрель,
№31 (998)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш йўлида

Тошкент давлат юридик университетида «Давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида парламент ислохотларининг самарадорлигини ошириш» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалидаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети вакиллари шитирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, хусусан, давлат бошқарувининг энг муҳим принципи бўлмиш давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципини конституциявий таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Олий Мажлис фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг қонун ҳужжатларининг жамиятда, давлат бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажорилишини, ҳокимиятларнинг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципини амалга оширишни таъминлайдиган самарали механизми бўлган парламент назорати ҳақ қатта эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь кунини бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, «Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган иккинчи гоёат муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажорилаётганини ўси тидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатидан иборатдир».

Бугунги кунда мамлакатимизда парламент назоратига алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу борада кенг тушунириш ва тарғибот ишлари олиб борилаётир.

Давра суҳбати иштирокчилари ижро ҳокимияти фаолияти ўси тидан парламент назоратини такомиллаштиришнинг ташкилий-

ҳуқуқий асослари ва давлат бошқарувини янада демократлаштириш масалаларига эътибор берган ҳолда, Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг, шунингдек, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг долзарблиги ва муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг давлат бошқарувини такомиллаштиришдаги аҳамияти, ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга ошириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим асоси, Ўзбекистон Республикасида парламент назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари, ижро ҳокимияти асосларининг ҳокимиятлар бўлиниши принциплари мувофиқ конституциявий ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолиятини янада кучайтириш ва бошқа масалалар атрофида муҳокама қилинди. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича таклифлар билдирилди.

Тадбир сўнгиди «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда Конституция нормаларини ҳаётга татбиқ этиш ишлари самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎЗА.

КОРХОНА — КОЛЛЕЖ ҲАМКОРЛИГИ

Битирувчилар учун иш жойи тайин

Шаҳзода Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежиди ўқийди. У ўтган йили «Le Grand de Plaza» меҳмонхонасида амалиёт ўташ учун йўланма олди.



ЗЕБИННИСО ҲАЙИТОВА
«Mahalla»

Амалиёт давомида у иқтидорини намоён этиб, меҳмонхона мутасаддилари эътиборига тушди ва қандолатчи-ошпаз сифатида ишга қабул қилинди. Шаҳзода шу йили коллежни битирди. Энди унинг иш жойи тайин.

— Айни пайтда ўқишда олган билим ва кўникмаларимни иш жараёнида мустақамлашаман, — дейди у. — Мамлакатимизда биз ёшларга қаратилаётган эътибор

ва ғамхўрликдан, жамиятда ўз ўрни-мизни топишимиз учун яратиб берилган имкониятлардан ниҳоятда мамнунман.

Касб-хунар коллежларида таълим ва амалиёт уйғунлиги таъминланиб, коллеж ва корхона ҳамкорлигининг изчил йўлга қўйилгани ёшларнинг ишлаб чиқариш амалиёти чоғидаёқ муҳим иш жойига эга бўлишларида қўл келаётир. Буни пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги касб-хунар коллежлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

> [3]

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



■ Насир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Инсон қадри буюк, шаъни муқаддас

Юртимизда инсон қадри, манфаати азалдан олий қадрият даражасига кўтарилган. Ҳуқуққа оид манбаларимизнинг илк намуналаридаёқ бу масалага алоҳида эътибор берилган. Бунда Амир Темур ғояларининг ўрни беқийс. Шуниси аҳамиятлики, буюк бобомизнинг бу борадаги қарашлари ҳали-ҳануз долзарблигини йўқотмаган.

■ **Худоёр МАМАТОВ, Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи.**

Хусусан, «Темур тузуклари»нинг моҳияти Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, Конституциямиз моддаларидан ўрин олган умуминсоний қадрият-

лар билан уйғун ва ҳамоҳангдир. Бу эса, Сохибқирон салтанатида инсон, унинг қадр-қиммати, шаъни, эркинлиги олий қадрият ҳисобланганидан далолат беради.

Амир Темур разолат ва ҳаюлат кучайиб, ноҳақлик ҳодидан ошиб кетган даврларда яшоб, одолат ўрнатиш учун мислсиз кураш олиб борди. Жаҳон тарихида унинг салтанати, буюк хизматлари муносиб ўрин топти.

Сохибқироннинг буюк хизматлари, дунё давлатчилиқ тарихидаги ўрни ҳақида гапирганда, унинг ўзига хос жиҳатларига тўхталмоқ жоиз. Маълумки, ҳар бир ҳўжалиқнинг тарихан таркиб топган чегараси, ўзига хос турмуш тарзи, касбу кори ва машғулот мавжуд. Ҳар қимнинг шахсий мулки бўлгани каби, умум иштиёридаги мулк ва хизматлар ҳам бор. Жумладан, йўл ва сувдан фойдаланишда муайян қонун-қоидаларга риоя этишга барча бурчли. Мабодо ҳар бир хонадон соҳиби ўзи хоҳлаган тартибни ўрнатиб, ҳудудидидаги йўлни ёпса ёки ҳар бир ўткинчидан бож талаб қилса, сув йўлига банд ташласа, бундай юрт тез орада разолат ботқонига ботади.

> [4]

МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

Дахлдорлик туйғуси ҳар жабҳада намоён

Бу йилги баҳор ҳар қачонгидан ҳам серғейн келди. Ушбу ҳолат аҳолисининг аксарият қисми тоғолди ва қир ёнбағирларида яшайётган хатирчиликларни ўйлантиргани рост. Негаки, Оқтов тизмасида жойлашган қишлоқларни бир-бирига туташтирувчи йўллар қучли сел ва тошқинлар туфайли талафот кўриши мумкин.

■ **Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»**

Лекин табиатнинг инжиқликларини мардонавор енгиб ўтишга қодир ҳудуд аҳолиси ҳар қандай муаммони ҳамжихотликда ечишга одатланган. Қурби етмаганини эса ҳар чоракда бўлиб ўтадиган туман ҳокимининг ҳисоботида ўртага ташлаб, унинг кўмағида ҳал этишни ҳам яхши билади.

Жорий йилнинг биринчи чорағида туман ҳокими Гофур Алиев «Найман», «Чангир», «Зарбдор», «Сарой» каби маҳаллалар ҳамда Қарача қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳисобот берди.

Тадбирда аҳоли туманда йилнинг биринчи чорағида амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан хабар топди. Қолаверса, анча вақтдан бўён ечимини кутаётган муаммолар ана шу учрашувлар давомида ўртага ташланди. Жумладан, Найман ва Чангир қишлоқларини бир-бирига туташтирувчи кўприк

остидаги қувур эскиргани туфайли яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Учрашувда ҳар иккала қишлоқ аҳли ушбу масалани кўтариб чиқди. Қисқа фурсатда янги қувур ўрнатилди.

— Ҳисоботларда билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар бугунги кунда фуқароларни кўпроқ ҳудудлар инфратузилмасини янада ривожлантириш масалаларини қизиктириётганини аңлатади, — дейди «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди Хатирчи тумани бўлини маси райиси Жаҳонгир Қодиров. — Бу Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссининг ортанидан, албатта. Мисол учун, «Найман» маҳалласида яшовчи фуқаро К.Қодиров «Шароф Рашидов» фермер ҳўжалиғи ҳудудида туташ йўл бўйида ариқ қазии фикрини ўртага ташлади. Ушбу масала 10 кун муддат ичида ҳал этилди.

> [2]

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Масъулиятли вазифада ҳамиша хушёр

«Тегишли ҳудудда хавфсизлиқни ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар оғоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлашда давлат органлари ва нодавлат но-тижорат ташкилотларининг қўйи тизими билан ҳамкорликда иш олиб бориш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашиш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар фаолигини ошириш ишларида қатнашиш...»

■ **Ҳамидулла БОБОНИЁЗОВ, Бўқа туманидаги «Равот» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилиқ тузилмаси сардори.**

Ушбу қоидалар «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилиқ тузилмаси тўғрисида»ги Низомида тузилманинг асосий вазифаларидан бири сифатида мустаҳкамланган. Бундай долзарб вазифаларни самарали адо этишда ҳукуматимизнинг «Маҳалла посбони» жамоатчилиқ тузилмасига алоҳида эътибор қаратаётгани, ишонч билдираётгани бизга —

тузилма аъзоларига масъулият ва ишонч бағишлайди.

Мен Бўқа туманидаги «Равот» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилиқ тузилмаси сардоримон. Таъбир жоиз бўлса, тўрт минг нафардан зиёд аҳолининг хавфсизлиғи, икки мингга яқин ёш авлоднинг беҳавотир қамол топиши учун масъулман. Бугун юртимизда тинчлик ҳўкм сураётир, аммо бу бизнинг масъулиятимизни қамайтирмайди. Дунёдаги возият таҳликали. Фарзандларимиз турли ёт ғоялар таъсири, ахборотлар ҳуружидан йирокда эмас. Уларни муносиб ҳўмоялаш учун фуқаролар йиғини, таълим муассасалари ҳамда ички ишлар идоралари, хусусан, ҳудуд профилактика инспектори билан мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб бораётимиз.



■ ЎЗА олган сурат.

> [3]

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ораста ва кўркемлик ҳар ҳудудга ярашган

Юртимизнинг шаҳару қишлоқларида давом этаётган бунёдкорлик ва кўкаламзорлаштириш ишлари самараси ўлароқ, сўйим гўшалар, хийбонлар, истироҳат боғлари барпо этилмоқда.

■ **Нигина ШОЕВА «Mahalla»**

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиғи доирасида Сўрхондарёда ҳам кўча ва йўлақлар, бозорлар, таълим масканлари атрофларини ораста ва кўркемлаштиришга жадал киришилган.

— Ташкилотимиз томонидан ободонлаштириш, сўғориш иншоотларини таъмирлаш, марказий майдонлардан фойдаланиш билан боғлиқ долзарб юмушлар тизимли тарзда амалга оширилмоқда, — дейди Термиз шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Бобур Бобомуродов. — Бугунги кунда шахримиз кўчаларига манзарали дарахтлар экиш ва парваришлаш авж олласида. Шунингдек, каналларни тозалаш, йўлларни таъмирлаш, бекатлар озодлигини назорат қилиш ҳам доимий эътиборимизда.

> [2]



Бетакрор боғларнинг беназир бунёдкори

«Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурдирган иморатларга боқ», дея хитоб қилган бобо-калонимиз Амир Темури нафақат Осиё мамлакатлари, балки бутун дунёда ўзининг бунёдкорлик ишлари билан машҳурдир.



■ **Дилором Зоҳирова, Қибрай тумани Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси.**

Миллатимиз гурури бўлмиш Соҳибқирон бобомиз саркардалик юришлари, давлат бошқарувидаги одиллиги, бунёдкорлик ишлари билан халқ турмуш даражасини яхшилашга алоҳида эътибор қаратган. Амир Темури атроф-муҳитни, табиатни эъзозлаш борасида ҳам беназир бўлган. Давлатнинг ривожини йўлга қўйган ҳар бир соҳага алоҳида эътибор қаратган.

«Темури тузукларида»: «Бир дарахт кессам, ўрнига ўн икки дарахт эдим...», «...ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, ҳаммомлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устида работ бино қилишни буюрдим», дея қайд этилган. Дарҳақиқат, табиатни суйган саркарда бетакрор боғлар яратгани ва уларнинг ҳар бирини алоҳида номлагани кўпга мурарихларнинг асарларида баён этилган.

Тўқидлаш жоизки, ўрта аср мусаввирларини мафтун этган манзаралар ана шу боғлар бўлган. Бунини ўша даврларда яратилган миниатюраларда кўриш мумкин. Бобомиз яратган машҳур ва чиройли боғлар ҳақидаги маълумотлар кўпчилики эътиборсиз қолдирмаслиги аниқ.

«**Боғи Баланд**» — Самарқанд шимолидаги Чўпонота макбараси яқинида наби-расул(Мироншоҳнинг қизи)га

атаб қурдирган. Унинг барпо этилишида эронлик, озарбайжонлик ва бошқа мамлакатларнинг боғонлари, меъморлари қатнашган. Табриз оқ мраммидан қурилган қаср боғ марказида жойлашган бўлиб, уни узумзор, анжирзор ва олмазорлар ўраб турган.

«**Боғи Беҳишт**» — Самарқанднинг ғарбида Хайри-нисо бегимга атаб қурдирилган, баъзи манбаларда «Боғи Жаннат» деб ёзилган. Боғ марказидаги саройга бир неча кўтарма кўприклар орқали қирилган. Унда ҳайвонот боғи бўлиб, турли жониворлар сақланган.

Давлатобод улғу амирнинг энг яхши кўрган масканларидан бири бўлган. Бобомиз «**Боғи Давлатобод**»да зафарли юришларидан қайтганида ором олган. Ҳатто хорижлик элчиларни ҳам шу боғда қабул қилган. Унда ариқлар, тўртта ҳовуз ва катта сарой бўлган. Сунъий тепалик устига қурилган бу боғ атрофи ҳандақ билан ўралган.

Кўнгилни очувчи боғ дейилган «**Боғи Дилқушо**»нинг ҳар тарафи 900 метр узунликдаги баланд паҳса деворлар билан ўралган. Унинг тўртта дарвозаси қаршисида хашаматли сарой бўлган. Уч қаватдан иборат қасрни ҳар бир қаватини фаввора-лар безаб турган. Ҳозир бу боғ ўрнида Дилқушо кишлоғи жойлашган.

«**Боғи Шамол**»нинг ўзига хослиги шундаки, ундаги сарой тўртбурчак шаклда қурилган. Ҳар томони 1500 кадам масофада бўлган. Деворларга мрамар қопланиб, саҳни қораёғоч ва фил сугидан ишланган. Қувонарлиси, бу жой ҳозир ҳам шу ном билан юрилади. **Боғи Нав, Боғи Чилор, Боғи Жаҳоннамо** боғлари ҳам фусункорлиги билан барчани ўзига мафтун этган.

Амир Темурининг бу каби бунёдкорлик ишларидан хабардор бўлар эканмиз, кўз ўнгимизда миллатдошлари тақдирини ўйлаган, ватанпарвар инсон гавдаланади. Буюк бунёдкорлик роҳнамаси, азму шижоат соҳиби Амир Темурининг бу каби ибратли ишлари авлодлар учун бебаҳо меросдир.

Инсон қадри буюк, шаъни муқаддас



■ **Уза олган сурат.**

< [1]

Соҳибқирон Амир Темури бутун дунёни худди ана шундай бошбошдоқликдан қутқаришга уринди. Ҳар қадамда учраган адолатсизлик, ноҳақликка қарши ҳақиқат тиги билан қурашди. У майда-майда беқлик, амирликларга бўлиниб кетган халқларни ягона туғ остида бирлаштирди, қароқчи тўдалар билан тўлиб-тошган Буюк илақ йўлида савдо қарвонлари беҳавотирлигини таъминлаб, давлатлар ўртасидаги ўзаро савдо-сотик, маданий алоқаларни мустаҳкамлади. Анжир, инсониятни таназзулдан қутқарди. Улғу Амир Темури бор фурсатини, қудратини ва журъатини мана шу мақсадга сафарбар этган буюк саркарда сифатида майдонга чиқди. Дунё бўйлаб томир отган ноҳақлик индизини тоғ-томлари билан қўприб, адолат, тартиб ва интизом ўрнатди.

Давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига мазкур мавзуга тўхталиб: «...мен «Темури тузуклари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озик бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман», деб ёзганлар.

Дарҳақиқат, «Темури тузуклари»да инсон ва фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари борасидаги ҳур фикрлар кишини ҳайратга солади: «Ҳар вақт кенгашичлар йиғилиб, мажлис очилар экан, яхши-ёмондан, фойда-зиёндан, олдимиздаги ишларни қилиш-қилмасликдан сўз очиб, улاردан фикр сўраб эдим. Буларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мулоҳаза қилиб, фойда-зиёнларини кўнгилга келтирдим», дея қайд этилган. Бундай фикрлар Конституциямизнинг 32-моддасидаги: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади», деган қоидаларга нисбатан мутаносибдир.

Дарҳақиқат, давлат ва жамият бошқарувида халқ иродасининг ифода этилиши демократик тамойиллар асосини ташкил этади. Амир Темури бунини дилдан ҳис қилган ва давлатни бошқариш, халқни идора этишда ҳеч бир омилни назардан четда қолдирмаган.

Бобокалонимизнинг буюк хизматларидан яна бир шукки, у мураккаб тарихий шaroитда халқнинг бошини қувиштира олди. Истилочиларга қақшатқич

зарба бериб, заминимизда истиқлол байроғини баланд кўтарди. Биргина Мовароуннаҳр эмас, бутун Марказий Осиё, Шарқ минтақасининг катта қисмини ягона салтанатга бирлаштирди.

У ўз фаолияти давомида юртимиз ва дунё халқлари манфаатлари учун кўплаб мураккаб ва масъулиятли вазифаларни шараф билан одо этди. Жумладан, ўша даврда илдиш отган мўғуллар зулмига узиб-кесиб барҳам берди. Майда давлатларга бўлиниб кетган, тарқоқлик, ички урушлар ва адолатсизликлар ҳукм сургон Мовароуннаҳрни ягона давлатга бирлаштириб, унинг бошқарув асосларини шакллантирди ва мустаҳкамлади. Қонун устувор бўлган жамият барпо этди. Бундан ташқари, салтанатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий пойдеворларини мустаҳкамлади. Хайратланарлиси, қисқа вақт оралиғида Мовароуннаҳрни дунёнинг энг гуллаган салтанатига айлантара олди. У Осиё, Африка, Европа минтақаларидаги халқларнинг тинчлиги, фаровонлиги учун ҳам катта хизматлар қилди ва халқро майдонда адолатни таъминлаш учун қурашди.

Соҳибқирон соф исломий ғоялар, юксак маънавият, ахлоқ-адоб мезонларига таянган давлат қурди, турли дин, миллат вакиллари ва элларнинг ўзаро дўстона алоқалари ўрнатилишига ҳамда бу орқали халқро манфаатларнинг ҳимоя қилинишига мустаҳкам замин яратди. Давлат ислом мафкурасига таянган ҳолда бошқарилган бўлса-да, диний бағрикенгликка амал қилинди.

Салтанатида давлат, жамият ва шахс манфаатлари уйғунлаштирилди ҳамда сиёсий, иқтисодий ва маънавий барқарорлик ўрнатилди. Бошқаришнинг муҳим соҳалари фаолияти ана шу мақсадлар йўлида ташкиллаштирилди, давлат томонидан чикарилган қонунлар ижроси ўз вақтида таъминланди. Бу тадбирлар Амир Темури давлатчилигининг катта ўзгаришга эришишига олиб келди. Унинг умуминсоний қадриятларга асосланган бошқарувида илм-фан, маънавият, меъморилик ва санъат беқиёс даражада ривож топди. Бу омиллар натижасида Амир Темури салтанатида давлатчилик, фан ва маданият жаҳон миқёсида ўзининг юксак чўққисига кўтарилди.

Президентимиз Амир Темурининг тарихдаги улкан хизматларини эътироф этиб, бу зотнинг қасдлари учун нечоғли модад бўла олишини чўқур англаб ҳақли равишда: «Амир Темури шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демокадир. Амир Темури англаш — ўзлимизни англаш демокадир. Амир Темури улғулаш — тарих қаррига чўқур илдиш отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб буюк келажакимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демокадир», дея эътироф этди.

Бир сўз билан айтганда, Амир Темури давлатчилиги марказида давлат манфаати ва инсон омилли бош ғоя бўлган боис, бу меъёрлар ҳамма вақт ҳоётлилиги, ҳаққонийлиги билан борча халқларга дастуриламал бўлиб хизмат қилверди.



Ҳарбий низо оқибати

Нигерияда 79 нафар киши ҳарбий низо қурбони бўлди.



Мамлакат шимоли-ғарбидо бир гуруҳ қуролланган шахслар ўзини ўзи мудоффа қилувчи отрядлар вакиллари ҳамда жомоалар етакчилари йиғилиши ишти-

рокчиларига ҳужум қилган.

«Agence France-Presse»га кўра, тинчлик музокара-рида йиғилиш қатнашчилари қуролланган талончилик ҳамда чорва молларини ўғирлашга қарши қурашиш масалаларини муҳокама қилишгаётган эди. Дастлабки маълумотларга қараганда, йиғилишга мазкур музофотда яшовчи фулан элоти вакиллари ҳужум уюштирган.

Бундай низолар кўчанчи чорвадор фуланлар билан нигериялик ўтроқ халқлар ўртасида узок вақтдан буён давом этиб келади.

Минтақада ягона

Панамада Марказий Америкадаги илк метрополитен ишга туширилди.

Мамлакат пойтахтидаги Янги иншоотнинг очилиш маросимида Панама президенти Рикардо Мартинелли иштирок этди.

13 та бекатдан иборат ерости иншоотининг узунлиги 14 километрни ташкил қилади. Илгари 2 соатда босиб ўтиладиган йўлни эндиликда метро билан 23 дақиқада ортда қолдириш мумкин.

Метрополитен рекорд муддатда — 38 ойда қуриб битказилди. Унинг бунёд эти-

лиши учун 1,8 миллиард АҚШ долларлари сарфланди. Поездлар Францияда ишлаб чикарилган бўлиб, кондиционер ҳамда видеокузатув тизимлари билан жиҳозланган. Бундан ташқари, вагонлар имконияти чекланган шахслар учун ҳам мослаштирилган. Метрода ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус полиция бўлинимаси тузилди.

Метро дастлабки ойда йўловчиларга бепул хизмат кўрсатади.

Ҳамкорликка рухсат олди

АҚШнинг «Боинг» корпорацияси мамлакат молия вазирлигидан Эронга авиация эҳтиёт қисмлари етказиб бериш учун рухсат олди.



Бундай қарорга АҚШ томонидан Эронга нисбатан иқтисодий жазо чораларини босқичма-босқич юмшатиш борасида жорий йилнинг январидо қабул қилинган қарор асосида келинди.

«Боинг» расмийларига кўра, Эронга 1979 йилгача етказиб берилган самолётлар учун эҳтиёт қисмлари тақдим этилади.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг январидо Эрон ҳамда халқро воситачилардан иборат «оптилик» атомни бойитиш масаласида муро-сого келишганди. Унга кўра, расмий Техрон олти ой давомида уранин 20 фоизгача бойитишни тўхтатиш масъулиятини олган. Бунга жавобан АҚШ Эронга нисбатан иқтисодий жазо чораларини юмшатишни бошла-ганди.

■ **Интернет материаллари асосида М.ЖўРАҚУЛОВ тайёрлади.**

БОЛАЛАР МАЙДОНЧАСИ

Кичик майдондан катта спорт сари

Ўтган йил давомида Навоий вилоятида 9 та болалар майдончаси бунёд этилди, 35 таси таъмирланди ва 363 тасида ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

■ **Холбиби САФАРОВА «Mahalla»**

Соғлом бола йилида бундай бунёдкорликлар қўла-ми янада кенгайтирилиб, 12 та болалар майдончаси қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

— Ҳудудимизда 2 та болалар майдончаси барпо этилмоқда, — дейди «Ма-

ҳалла» хайрия жамоат фонди Навбасхор тумани бўли-маси раиси Малик Мами-ков. — Бунинг учун Фонд бўлимида 9 миллион сўм, «Беширобот» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ҳис-обидан 4 миллион сўм маб-лағ ажратилди.

Мазкур майдончалар 1 июнь — Халқро болалар-ни ҳимоя қилиш қўнида фой-даланишга топширилади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўли-ми бошқаруви жамоаси Фонднинг Мирзо Ўлугбек тумани бўлинимаси раиси Норжон Алланазаровага турмуш ўртоғи **Илҳомжон ЮСУПОВ**нинг вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими Фонднинг Жамбой тумани бўлинимаси собиқ раиси **Абазали МАМАСОЛИЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

Сумалакнинг ҳидидек тотли, қувончли лаҳза



■ **Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.**

Хурсандчилигини кўпчилик билан баҳам кўриш халқимизнинг азалий одатларидан. Шу боис ўзбекининг тўю мағракиси, байрам шодиёналарида қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар, қўни-қўшнилар, албатта, бир даврада жам бўлишади. Бундай анъаналар давомийлигини таъминлашда маҳалланинг алоҳида ўрни бор.

■ **Наргиза БАҲОДИРОВА.**

Айни кунларда маҳаллаларимизда сумалак ва халим сайиллари авжида. Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги «Баҳор» маҳалласида ҳам ана шундай байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ушбу маҳаллада икки минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла ахли ўзбек, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, татар, корейс каби кўплаб миллат вакилларида ташкил топган. Улар ахил-иноқ, байрам ва бошқа маросимларни доимо биргаликда нишонлашади. Бу сафар баҳорликлар Наврўз айёми муносабати билан дошқозон атрофида жам бўлишди.

— Янги уйга кўчиб келганимга бир йилдан ошди, — дейди «Баҳор» маҳалласи ҳудудидоги 72-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Дилбар Мадалиева. — Кўп қаватли уйда турганим учун қўшниларни яхши танимасдим. Лекин халқимизга хос ажойиб анъана — сумалак сайли бизни яқинлаштирди. Сумалак пишириш шунчаки

таом тайёрлаш эмас. Бу бир ёқадан бош чикариш, бир-бирига ёрдам бериш, меҳр кўрсатиш, яхши сўз билан сийлаш дегани. Ахир, бугундони ўндир-ришдан бошлаб қозондан сумалак тортилгунга қадар ҳамма бирга меҳнат қилади-да. Дастурхонга баҳорий ноз-неъматлар — кўк сомсақа чучвара, ҳовло, ҳовлайтар каби пиширик ва таомлар тортилади. Қўшиқлар айта-либ, ўйин-қўлги ҳамда хуш кайфият билан тонг оттира-миз. Бундай дамлар барчамизга ганимат.

Биқир-биқир қайнаётган сумалакнинг тотли ҳиди диққатни қитқилайди. Бир зумда дошқозон атрофида болалар тўпланишди. Улар сумалакни навбатма-навбат қовлаётган опаларига қўшилиб ният қилишпти. Дастурхон атрофида ўтирган катталарнинг қўллари дуода: «Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳоётимиз фаровон, ризқимиз бутун бўлсин», деб тилак билдиради момолар.

— Маҳалламиз одамлари ажойиб-да, — дейди «Милана коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари Любовь Холодняк. — Барининг кўнгли очик, хайрли ишга

доимо бош қўшишади. Ҳар сафар шундай. Маҳаллада хашор бўлади-ми, байрам тадоригими — ҳеч ким четда турмайди. Кўпчиликнинг сай-ир-ридан бошлаб қозондан сумалак тортилгунга қадар ҳамма бирга меҳнат қилади-да. Дастурхонга баҳорий ноз-неъматлар — кўк сомсақа чучвара, ҳовло, ҳовлайтар каби пиширик ва таомлар тортилади. Қўшиқлар айта-либ, ўйин-қўлги ҳамда хуш кайфият билан тонг оттира-миз. Бундай дамлар барчамизга ганимат.

Биқир-биқир қайнаётган сумалакнинг тотли ҳиди диққатни қитқилайди. Бир зумда дошқозон атрофида болалар тўпланишди. Улар сумалакни навбатма-навбат қовлаётган опаларига қўшилиб ният қилишпти. Дастурхон атрофида ўтирган катталарнинг қўллари дуода: «Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳоётимиз фаровон, ризқимиз бутун бўлсин», деб тилак билдиради момолар.

— Маҳалламиз одамлари ажойиб-да, — дейди «Милана коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари Любовь Холодняк. — Барининг кўнгли очик, хайрли ишга

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Д.Исмоилова
Навбатчи: И.Раҳматов
Нашр навбатчиси: Ш.Жабборов



Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаро-лик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодиёт ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148

25035 нусхада чоп этилди. Буюртма J-9606

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчи-лар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Топшириш вақти — 21.⁰⁰

Топширилди — 21.⁰⁰



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.



МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

Дахлдорлик туйғуси ҳар жабҳада намоён

< [1]

Шунингдек, ҳисоботда «Чангир» маҳалласида истикомат қилувчи Гайбулла Хўжаев Навоий қишлоғида 2 та, Хидир ота қишлоғида 1 та, Улугбек қишлоғида 1 та артезиан кудўқни таъмирлашда кўмаклашишни сўраб мурожаат қилди. Бу масалани ижобий ҳал этиш бўйича туман насос станциялари, энергетика олоқа бўлими бошлиғи ҳамда ичимлик суви ишлаб чиқариш бўлими мутасаддиларига топшириқ берилди.

Ҳокимнинг «Сарой» маҳалласида берган ҳисоботи фуқароларда янги-янги ғоялар тугилишига тўртки берди. Мисол учун, йигиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси М.Икромов собиқ «Гунча» мактаб-гача таълим муассасасидан гўзаллик салони ва озик-овқат дўкони очиш таклифини ўртага ташлади. Ушбу таклиф ўрганилиб, қонунда белгиланган тартибда бошқа жойдан ер ажратилишга келишилди. Собиқ болалар бочаси ери, шаҳарсзлик меъёрларига биноан, фақат янги қуриладиган шу турдаги бино учун ажратилиши фуқароларга тушунтирилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳаллалардаги

ҳисоботлар жараёнида иштирок этаётган фуқаролар нафақат ўзларини ўйлантираётган саволларга атрофлича жавоб оладилар, балки бугунги кунда юртимизда давом этаётган ислохотлардан хабардор бўлиб, ҳуқуқий билим ва маданиятини ҳам оширмоқда.

— Авваллари аҳолини ҳоким ҳисоботига қақирсак, уларнинг аксарияти келмас эди, — дейди «Найман» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азим Шодиев. — Бугун эса улар ҳоким қачон ҳисобот беради, деб биздан сўрашади. Улар ҳудудда юзга келаётган муаммоларни тортинмасдан туман раҳбарига айтишмоқда. Бирор масала ўз вақтида ҳал этилмай қолса, тўғридан-тўғри ҳокимнинг эшигини қоқшмоқда.

Учрашувда фуқаро Х.Рўзиқулов Чангир бозорини қайта қуришга амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бозор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси туман меъмори Ш.Тожиев зиммасига юклатилди.

Бир сўз билан айтганда, туман ҳокимининг фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериши маҳаллий аҳамиятга молик масалаларнинг ўз вақтида бартараф этилиши ҳамда аҳолининг фаоллигини янада оширишда қўл келаётир.

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ораста ва кўркамлик ҳар ҳудудга ярашган



< [1]

Жорий мавсумда Термиз шаҳрида 50 мингдан зиёд дарахт ва бутта, 500 минг дона гул кўчати экиш режалаштирилган. Аини пайтда манзара ва соя берувчи эман, шумтол, заранг, каштан, қарағай дарахтлари ниҳоллари ўтказилаётир.

— Кўчат экилаётганда нафақат кўркамлиги, аини пайтда инсон саломатлиги учун нафи ҳам ҳисобга олинади, — дейди Термиз шаҳри Ҳаким ат-Термизий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қурбон Бегмаев. — Йиғин қошидаги Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича комиссия аъзолари сай-ҳаракати би-

лан иқлимга мос қрим ва элдор қарағайини экишга олоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарвоқе, бу дарахтлар ҳавони тозалайди. Бир гектар майдонга экилган игнаборли дарахтлар 200 нафар одамни соф ҳаво билан таъминлайди. Йўл четига экилганлари транспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газларни тутиб қолиб, ҳавонинг мусаффолигини сақлайди.

Баҳор бунёдкорлик фасли. Ҳар бир инсон ўз уйи атрофи, кўчаси озодалигини таъминласа, маҳалласи, қишлоғи ва шаҳарининг, демак, мамлакатнинг фойзига ҳисса қўшади. Саранжом-саришталик одамларнинг маънавиятига, аҳиллиги, ҳамжихатлиги, маҳалланинг ободлигига ижобий таъсир кўрсатади.

иш билан банд. Маҳалла фаоллари кўмағида ҳудудда одрос дўкони ҳам ишга туширилди. Келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА

Кўкламда қанот ёзган эзгу ташаббус



«Пастки Сармич». Бу номни эшитган кишининг кўз ўнгида пурвиқор тоғлар, зилол булоқлар, мусаффо табиат ва, энг муҳими, самимий инсонлар чехраси намоён бўлади.

■ Абдумўмин ҚЎШБОЕВ.

Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги Пастки Сармич қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидagi ушбу маҳалла аҳолиси азолдан меҳнатқашлиги билан донг таратган. Шу боис аини пайтда ушбу масканни «Намунали маҳалла» дастури доирасида намунали йиғинга айлантириш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туман ҳокимлигида маҳалла аҳолининг турмуш шароитини ўрганиш мақсадига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга кўмаклашувчи ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Гуруҳ аъзолари ишни, аввало, ҳудуддаги нуруний отахон оонахонлар билан танишишдан бошлади. Негаки, маҳаллани намунали йиғин дарахасига кўтаришда кўп йиллар жамият равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилган фахрийларнинг бой ҳаётий тажрибалари, насихатлари асқатиши аниқ.

Аини кўлам фаслида бошланган бу хайрли ишда гуруҳнинг тажрибали аъзолари ҳудуддаги корхонаю ташкилотлар, гузарлар ва хиёбонларни ободонлаш-

тириш, ариқлар, зовурларни тозалаш, маиший чиқиндилар учун алоҳида жой ажратиш, ҳовлиларни доимо саранжом-соришта сақлаш юзасидан ўзларининг маслаҳатларини бердилар.

Намунали маҳалла мақомига эришаётган «Пастки Сармич»да чорвачиликни ривожлантириш, паррандочиликни ташкил этиш, балиқчилик, асаларичилик билан шўғулланиш, хизмат кўрсатиш соҳаларини янада кенгайтириш учун имкониятлар етарли.

— Ишчи гуруҳи аъзолари томонидан ҳудуддаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари рўйхати шакллантирилди, — дейди йиғин раиси Ҳамроқул Умарқулов. — Ҳозир бу ерда отиги 15 та тадбиркорлик субъекти фаолият юрляпти. Улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар аҳолини қаноатлантирмайди. Йиғинимизнинг 5,6 минг нафардан зиёд аҳолиси учун яна 40 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолиятини йўлга қўйиш зарур.

Аҳолининг кундалик турмушида зарур бўлган тикувчилик, сортарошлик, пойабзал таъмирлаш, телевизор ва радиоаппаратураларини созлаш, автомо-

биллар, қишлоқ ҳўжалиги техникалари-

га хизмат кўрсатиш каби шохобчаларнинг йўқлиги қайд этилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари оилалардаги муҳит билан танишиш асносида аҳоли турмуш шароитига мос соҳаларда иш олиб бориш учун банклардан кредит ажратиш таклифини илгари сўришди.

Аини пайтда маҳалла фаоллари кўмағида йиғинда истикомат қилаётган ташаббускор фуқароларнинг бизнес ғоялари асосида уларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Жорий ўқув йилида ҳудудимиздаги Қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-ҳўнар коллежини 110 нафар йигит-қиз битиради. Улар маҳалладаги тадбиркор ва ишбилармонлар билан уч томонлама шартнома имзолашга эришган.

Сармичликлар етти хазинанинг бири, дея эътироф этилган асаларичиликка олоҳида меҳр қўйишган. Ахир, кам харажат билан катта даромадга эга бўлиш кимга ҳам ёқмайди, дейсиз. Аиникса, соҳа равнақиға ҳисса қўшаётган ва ёшларни ўзларига эргаштироётган тажрибали асаларичилар Турғун Азимов, Исмоил Абдуқодировнинг эришаётган натижалари борчага ибрат бўляпти.

Хўллас, маҳаллани обод қилиш аҳолининг турмушини фаровонлаштириш билан бевосита боғлиқ. Шу боис йиғин фаоллари ободликни кўнгилдан бошлашган.



ФОНД КЎМАГИДА

Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани бўлинмаси ташаббуси билан кам таъминланган оила фарзандларининг бир гуруҳи Кўқон шаҳри бўйлаб саёҳат қилишди.

■ Расул КАМОЛ «Mahalla»

Улар истиқлол йилларида шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик, ободончилик ишлари билан танишдилар. Қадимги уй-музей, шаҳар тарихи ва бугунги кўни ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар, осори-отқалар уларнинг ўтмиш ҳақидаги тасаввурларини янада бойитди. Аиникса, Ўрда майдонида Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилган қайта қуриш ишлари, болажонлар учун яратилган сўлим хиёбон ва ўйингоҳлар уларда катта

таассурот қолдирди.

— Бундай эътибор ва ғам-хўрликдан мамнунмиз, — дейди «Тағоиб» маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Шохжаҳон Каримов. — Кўқон шаҳрига келмаганимга анча бўлганди. Бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, кенг ва ровон кўчалар, янги ўқув, санъат муассасалари, шаҳарнинг борча ҳудудини қамраб олган болалар майдончалари ҳудуд кўркига ўзгача фусун бахш этиб турибди.

Вилоятда бу каби хайрли ишларни амалга ошириш анъанана айланган. Соғлом бола йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Муаммолар ечимида тажриба қўл келмоқда



Жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Баҳористон» маҳалласига оилавий ажрим бўйича бирорта ҳам ариза тушмади. Бундай ҳолатга эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта.

■ Камола ХАТАМОВА. Тошкент шаҳри.

Йиғин қошидаги Яраштириш комиссияси аъзолари сай-ҳаракати билан тинч-тотув оилалар сони тобора ортиб борапти. Мисол учун, қўшни маҳалладан келин бўлиб тушган Феруза ёшлиғига бориб, қайнона билан келишмай қолди. Комиссия аъзолари оилавий низоини ҳал этишда ҳар икки томон билан алоҳида гаплашиб, келинни қайнонага, қайнонани эса келинга таърифлаб, тавсифлаб, оилани парокхандликдан сақлаб қолдилар.

— Иил бошида Намунавий низоом асосида ишлаб чиқилган комиссиянинг иш режасига кўра, — дейди йиғин ра-

иси Шўҳрат Холмуҳаммедов, — аҳолининг тинч-осойишта, ҳамжихатликда яшاشига кўмаклашиш, оилавий низоларни муроса йўли билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва барқамол этиб тарбиялаш, эрта турмушнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш асосий вазифа сифатида белгиланди. Сай-ҳаракатлар натижасида нотинч хонадонлар сони қамаймоқда, оилавий ажримларнинг олди олинмоқда.

Яраштириш комиссияси аъзолари оилавий можароларни бартараф этиш билан чекланишаётгани йўқ. Қўни-қўшничилик муносабатларига ҳамда маҳалладаги осойишталикка пўтур қозаётган омилларни ўрганиб, уларга барҳам

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — ЭЪТИБОРДА

Тўқис ҳаётга интилиш ва иштиёқ мужассам

Инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш бевосита фуқаронинг мурожаатини ўз вақтида ва қонуний қаноатлантиришга боғлиқ. Негаки, ҳеч ким беҳудага тегишли ташкилот эшигини қоқмайди.

■ М.МЕЛИҚУЛОВА.

Бош Қомусимизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлариға, муассасалар ёки халқ вакилларига ариза, таклиф, шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқиға эаалиги, аризалар, таклиф ва шикоятлар қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда қўриб чиқилиши белгиланган.

4 нафар талабанинг ўқув-шартнома пуллари тўлаб берилди. Шунингдек, маҳаллада истикомат қилаётган 6 нафар II гуруҳ ногиронига бўлинма томонидан 400 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Фуқаро Гарик Захарянин уйи ёниб кетгани боис, унга бўлинма томонидан ёрдам пули ажратилгани меҳр-оқибат ва инсонпарварликнинг амалдаги ифодасидир. Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояға муҳтож ёш оилаларнинг никоҳ



«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун эса фуқароларға давлат органлари ва муассасаларига ариза, шикоят ҳамда таклиф билан мурожаат этиш орқали ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш, ўз муносабатларини билдириш имконини бермоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Яққасарой тумани бўлинмаси ходимлари фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўрганишға алоҳида эътибор қаратишмоқда. Буни жорий йилнинг ўтган икки ойи мобайнида аҳолидан тушган аризалар ва уларни ўрна-тилган тартибда қаноатлантириш бўйича амалга оширилган ишлардан ҳам билиш мумкин.

Ҳозирға қадар бўлинмаға 19 нафар фуқаро моддий ёрдам сўраб ва бошқа мазмундаги аризалар билан мурожаат қилган. Ушбу мурожаатлар асосида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Фонд маблағлари ҳисобидан олий таълим муассасаларининг бакалавр босқичида таълим олаётган

тўйларини ўтказишда ҳам тузилма томонидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудудда истикомат қилаётган Аловидин Насриддиновнинг никоҳ тўйини ўтказиш учун Фонд туман бўлинмаси 500 минг сўм ажратди.

— Мурожаатларни таҳлил қилиб, кейинги йилларда аҳоли турмуш фаровонлиги ошиб бораётганиға гувоҳ бўляпмиз, — дейди бўлинма бош мутахассиси Гулчеҳра Жўраева. — Илгарилари аксарият мурожаатда моддий ёрдам сўралар эди. Тўғри, бу каби аризалар ҳозир ҳам учрайди. Аксарият аҳоли эса, тадбиркорлик учун ер ажратиш, ўз бизнесини бошлашда банкдан кредит олишға кўмаклашиш ва бошқа мақсадларда мурожаат қилмоқда. Биз ушбу йўналишдаги аризаларни тегишли идораларға юбориб, ихросини назоратта оляпмиз.

Ҳа, фуқаролар томонидан келиб тушаётган мурожаатлар ўз вақтида қаноатлантирилаётгани боис, аҳолининг Фонд ва маҳалла институтига ишончи тобора ортмоқда.

бериш чораларини ҳам қўришмоқда.

— Йиғинимизда 4,7 минг нафарға яқин аҳоли истикомат қилади, — дейди комиссия аъзоси Лола Мардонова. — Ҳудудимизда тўй ва маъракаларнинг ихчам, тартибли ўтишиға эришдик. Маҳалла йўриғидаги оилалар комиссия томонидан ўз вақтида рағбатлантириляпти. Маросимларни миллий қадрият ва анъаналаримизға мос ўтказиш бўйича тўплаган тажрибамизни оммалаштириш мақсадида ана шундай оила вакиллариини жалб этган ҳолда учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилмоқда.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом ва маънан барқамол авлодни вояға етказишға доир ишларни янада кучайтириш мақсадида комиссия аъзолари ҳудуддаги 38-сонли оилавий поликлиника билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ҳа, бу каби амалий ишлар бугун ўз самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Ўқитувчилар учун иш жойи тайин

■ Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

Масъулиятли вазифада ҳамиша ҳушёр

< [1]

Биз мазкур низом ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастуридан ўрин олган тегишли вазифалар асосида тизимли режа ишлаб чиқиб, шунга кўра, фоолиятимизни йўлга қўйяпмиз. Бунда асосий эътиборни фуқароларнинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ўқсальтиришга, маҳаллада қонун устуворлигини

КЎРИК-ТАНЛОВ

Ёнфин назоратининг энг яхши хизматчиси

■ **Анвар ХУДОЙҚУЛОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
ЁХББ муҳандиси, майор.

Ушбу соҳада самарали меҳнат қилаётган ҳодимлар мунтазам рағбат-тижратилириб, хизматлари эътироф этилаётгани муваффақиятлар омилдир. Жорий йилнинг 2-3 апрель кунлари пойтахтимизда ёнги хавфсизлиги хизмати ҳодимларининг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, айниқса, аҳоли тураржойларида ёнги хавфсизлигини таъминлаш, уларни муҳофиза қилиш борасидаги ишларини барқарорлаштириш мақсадида «Давлат ёнги нazorатининг ёнги инспектори» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов якунига кўра, Наманган шаҳар ИИБ ЁХБ инспектори, сержант Дониёр Нормирзаев республика

Дар ҳақиқат, бундай кўрик-танловлар давлатимиз бойликларини, фуқаролар саломатлиги, мол-мулкларини тилсиз ёвдан асрашга, халқимиз осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

банк» OJTB доимии ҳамкордир.



Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, бугунги кунда юрти-мизда амалга оширилаётган бу каби бунёдкорлик ишлари аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришга қаратилаётир. Қувонарлиси, халқимиз дастурхонига сифат-

ли сархил мевалар ҳам тортиқ этилмоқда. Айни шу жараёнда «Агробанк» ОАТБ Фарғона вилояти бошқармаси ва филиаллари томонидан амалга оширилаётган соғй-ҳаракатлар, миждозларга кўрсатилаётган кенг турдаги банк хизматлари кўл келмоқда.

Ҳар жиҳатдан
қулай ва самарали

Аҳолига маъиший ва савдо хизматлари кўрсатишига ихтисослашган, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналарни ташкил этишида, аҳоли турмуш маданиятини юксалтиришида тижорат банклари ҳам салмоқли ўлуш қўшаётгани қувонarli ҳол.

■ Олтиной МАДАМИНОВА.

Келажак боғлари, дея тавсифланган боғлар ҳақидадан қўлай ва тежамли интенсив боғлар қисқа фурсатда мўл ҳосил бериб, эл дастурхонини сархил мевалар билан тўлдирәтир. Улар одатий боғларга нисбатан анча узок умр



Зафаржон ПАРМОНОВ,
«Тӯхтасин Пармонов» фермер хўжалиги раҳбари:

— Фермерлик ҳаракати ҳал қилувчи кучга айланган бораётган бир пайтда, фаолиятимизда янгиликларни ҳам дадил жорий этаётимиз. «Агробанк» ОАТБ Олтириқ филиалидан интенсив боғ ташкил қилиш мақсадида 9,3 миллион сўм кредит олиб, 1000 туپ Сербияда еттиштирилган «Сажен» навли юқори үнүмли олма кўчати со-

Анваржон ҒОҒУРЖОНОВ,
«Уста Ғоғур темирчи» фермер хўжалиги раҳбари

— Обод турмуши йилда халқимиз достурхонлиги, ҳусну-санат, дастурхонлар тўкин-сочинлиги ҳисса қўлиш учун бор имкониятларни ишга солиқ. Айниқса, «Ағробан» ОАТБ Риштон филиалининг моддий қўмағи режаларимиз мувоффақиятини таъминлади. Муассасадан интенсив боғ ташкил қилиш учун 30 миллион сўм миқдорида tijorat кредитини қисқа фурсатларда қўла киритдик. Маблағга Сербиядан 2000 тул олима қўлти со-

Мансуржон ХЎЖАМАТОВ,
«Тўхтасин Бойбува» фермер хўжалиги раҳбари:

— Водийда ташкил этилган интенсив боғлар мени ҳам қизиқтириди. Бунга асослаб аширишда «Агробанк» ОАБ Ўзбекистон тумани филиалининг маддий маблағи бизга молиявий таъин бўлди. Соғлом бота йилда ушбу филиалдан интенсив боғ ташкил қилиш учун 20 миллион сўм кредит олдик. Кредит звазига юқори навли олма кўчатни сотиб олиб, 4 гектар ерда боғ яратдик. Ушбу лойиҳа туфайли 4 нафар киши ишла бўлди. Паст бўлиб кўчатлар турли аграротехник тадбирларни бажариш учун ҳам қўлайдир. Олма мевасида фойдали элементлар бисёр, улар фарздандаримизнинг соғлом саломат улғайиши учун ниҳоятда асқотади. Илк ҳосилимиз юрти миздаги болажонларга ажойиб туҳфа бўлиши шубҳасиз.

Дониёр АБДУРАЙИМОВ,
«Хатамбой Иброҳимбек» фермер хўжалиги раҳбари:

— Сархил мевалар — дастурхонларимиз кўрки. Хўжалигимизнинг 1 гектары 25 сотих майдонига Польшада етиштирилган 1000 тул олма қўчатини парвартишляямиз. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун фермер хўжалигимизга «Ағробанк» ОАТБ Қува тумани филиалидан 9,3 миллион сўм миқдорда тижорат кредити ажратилди. Банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижада интенсив боғ барпо этилган, доир лойиҳамиз муваффақиятсиз амалга ошиб, қўшимча иш ўринлари ҳам яратилди. Ортимизда ҳар қандай эзгу ишни бошлашдан унван таянч ҳам, ҳуқуқий асоси молиявий қўмақ ҳам мурҳаб. Халқ хайрли режа ва ташаббуслари миз бисёр. Бунда бизга «Ағробанк» ОАТБ доимий ҳамкордир.



Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган бу каби бунёдкорлик ишлари аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришга қаратилаётди. Қувонарлики, халқимизда дастурдончи сифат-